

ОЛИЙ МАЖЛИС ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

12 февраль кuni Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Спикери Д. Тошмухамедова олиб борди.

Депутатлар Қонунчилик палатаси Кенгаши томонидан таклиф этилган кун тартибини тасдиқладилар.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисида ҳисобот билан С. Рашидова сўзга чиқди. Утган йилда парламент Омбудсмани фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш бўйича давлат сиёсатини рўйбга чиқаришда, ушбу соҳадаги миллий қонун ҳужжатлари умум томонидан қабул қилинган халқаро стандартларга мувофиқ такомиллаштирилишида фаол иштирок этди, фуқароларнинг оғзаки ва ёзма мурожаатларини мунтазам равишда ўрганиди ва таҳлил қилди, мониторинг тадқиқотлари, аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борди. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси қабул қилинганлигининг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони-нинг қабул қилинганлиги 2008 йилда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлди.

Савол-жавоблардан кейин ҳисоботнинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз мустақил ривожланишининг дастлабки йилларидан бошлаб, Ўзбекистон раҳбарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга улкан аҳамият қаратиб келатганини депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди. Бизнинг инсон ҳуқуқларига содиқлигимиз Ўзбекистон Республикаси Конституциясида, бошқа қонун ҳужжатларида мустаҳкамланган. Мустақиллик йилларида давлатимиз инсон ҳуқуқлари бўйича 60 дан ортиқ асосий ҳужжатга қўшилди, ушбу соҳада БМТ томонидан қабул қилинган олтинчи асосий халқаро ҳужжат иштирокчисига айланди.

Муҳокама чоғида билдирилган фикр-мулоҳазаларни ҳисобга олган ҳолда депутатлар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Инсон ҳуқуқлари бўйича вакилининг (Омбудсманнинг) 2008 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботни тасдиқлаб, тегишли қарор қабул қилдилар.

«Эркин иқтисодий зоналар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси А. Тўхтабоев тақдим этди. Қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008

йил 2 декабрда қабул қилинган «Навоий вилоятида эркин индустриал-иқтисодий зона ташкил этиш тўғрисида»ги Фармонига мувофиқ, чет эл инвестицияларини жалб этиш, мамлакатимиз ҳудудида ҳозирги замон юқори технологияларига эга бўлган корхоналарни ташкил этиш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш мақсадига ишлаб чиқилган.

Ҳужжат муҳокамаси чоғида барча сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари сўзга чиқдилар. Таъкидландики, таклиф этилаётган ўзгартиш ва қўшимчалар қонун ҳужжатларини эркин иқтисодий зоналар ташкил этиш ҳамда уларнинг фаолият кўрсатиши тажрибасига мувофиқлаштириш, уларни тезкор бошқаришни уйғунлаштириш зарурлиги асосланди. Киритилаётган тузатишлар эркин зоналар барпо этиш тартибига, қўшимча имтиёзлар ва преференциялар бериш механизмга, тегишли ҳудудда амалга оширилаётган фаолият турларига, шунингдек, ҳўжалик юритувчи субъектларнинг 60 йиллигига бағишланган Тадбирлар дастури тўғрисида»ги Фармони-нинг қабул қилинганлиги 2008 йилда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда муҳим омил бўлди.

Савол-жавоблардан кейин ҳисоботнинг батафсил муҳокамаси бўлиб ўтди. Унда мамлакатимиз мустақил ривожланишининг дастлабки йилларидан бошлаб, Ўзбекистон раҳбарияти фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишга улкан аҳамият қаратиб келатганини депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди.

Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Ш. Тешаев «Давлат бюджетининг газна ижроси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 7-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳаси тўғрисида ахборот берди. Мазкур қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлигининг Инсонпарварлик ёрдами ҳамда техник қўмаклашув висталаридан мақсадли фойдаланишни мувофиқлаштириш, ҳисобга олиш ва назорат қилиш департаментини ташкил этиш тўғрисида»ги қарори қабул қилинганлиги муносабати билан ишлаб чиқилган бўлиб, у Ўзбекистон Республикасига келаятган инсонпарварлик ёрдами ва техник қўмаклашув висталарининг, шу жумладан, номоддий соҳадаги ёрдамнинг барча турларини тўлиқ ва тизимли ҳисобга олишни таъминлашга қаратилган.

Муҳокама вақтида депутатлар билдирган фикрларни ҳисобга олган ҳолда Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллади ва уни биринчи ўқишда қабул қилиб, масъул қўмимага ҳужжатни кейинги ўқишда қўриб чиқиш учун маромига етказиш вазифасини топширди. (Ў.А.)

НУРЛИ МАНЗИЛЛАР САРИ

Истиқлол шарофати туйфайли мамлакатимизда бунёдкорлик ишлари тобора кенг қулоқ ёймоқда.



Мустақиллик йилларининг ҳар бири Юртбошимиз раҳнамолигида улкан бунёдкорлик ишларини амалга ошираётган «Ўзбекистон темир йўллари» давлат акциядорлик темир йўл компанияси учун тарих солномаларига олтин ҳарфлар билан ёзиб қолдиришга арзигулик ютуқлар ва зафарлар йили бўлиб қолаётгани одатий, шунинг билан бирга, қувончли ҳолга айланди.

Мустақиллик иншоотлари

Чунотчи, Юртбошимизнинг жорий йил 20 январдаги «Ишлаб чиқариш ва ижтимоий инфратузилмани истиқболли ривожлантириш юзасидан қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига мувофиқ, 7 февраль кuni Янгйер шаҳридаги темир йўлни кесиб ўтувчи 150 километрдан ортиқ янги темир йўл қурилиши бошлаб юборилди. Шу муносабат билан ўтказилган тадбирда «Ўзбекистон темир йўллари» ДАТК вакиллари, Сирдарё вилояти ҳокимлиги, Янгйер шаҳар ҳокимлиги, шаҳар оқсоқоллари, маҳалла фаоллари ва жойлардаги касаба уюшма вакиллари юрти-момиз миқёсидаги яна бир тарихий

воқеанинг шоҳиди бўлишди. Карнай-сурнайлар садоси остида янги темир йўл учун рамзий қозик қоқилди. Бу воқеа юртдошларимиз учун байрамона тус олди. Айтиш жоизки, Янгйерда янги йўлни барпо этиш бевосита Юрт-бошимизнинг ғояси ва ташаббу-си-дир. Зотан, темир йўл кириб

келган жойга янги ҳаёт, янги руҳ ва ўзгача файз кириб боради. Қўп-қўп иш ўринлари яратилади. Қисқаси, инфратузилманинг ҳар томонлама изчил ривожланиши учун катта имкониятлар пайдо бўлади. Маълумки, Сирдарё — дондор пахтакорлар, фидоий миришкор-

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон — Туркменистон: ҚЎШМА КОМИССИЯ МАЖЛИСИ

Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 12 февраль кuni Савдо-иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорлик бўйича Ўзбекистон — Туркменистон қўшма комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди.

Тадбирда икки мамлакатнинг савдо, иқтисодиёт, ёқилги-энергетика, банк-молия, таълим, қишлоқ ва сув ҳўжалиги, транспорт ва транспорт коммуникациялари, божхона, спорт ва маданият, сайёҳлик каби соҳаларда фаолият кўрсатаётган қатор вазирлик ва идоралари, фирма ва компаниялари вакиллари иштирок этди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги қўшма комиссия хамраиси Элёр Ганиев Ўзбекистон билан Туркменистон ўртасидаги алоқалар барча соҳаларда

изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси Президентини Ислам Каримовнинг 2007 йил октябрь ойида Туркменистонга, Туркменистон Президенти Гурбангули Берdimuҳамедовнинг 2008 йил март ойида Ўзбекистонга давлат ташрифлари ўзаро муносабатларни янги bosқичга кўтариш учун кенг имкониятлар яратди.

Туркменистон савдо ва ташқи иқтисодий алоқалар вазири, Қўшма комиссия хамраиси Нокергули Атагулиев Туркменистон Ўзбекистон билан барча йўналишларда ҳамкорликни изчил ривожлантириш тарафдорлигини алоҳида таъкидлади. Мамлакатларимиз ўртасида ўзаро ҳамкорликка оид юздан зиёд ҳужжат имзоланган. Икки томонлама алоқалар Дўстлик, ҳамкорлик ва ўзаро ёрдам ҳамда Дўстлик, ишончни мустаҳкамлаш ва ҳамкорликни ривожлантириш тўғрисидаги шартномалар руҳида изчил ривожланиб бормоқда. Қўшма комиссия мунтазам равишда мажлислар ўтқа-

(Давоми 2-бетда).

ЭЪТИБОР ВА ҒАМХўРЛИК

Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида фуқароларнинг муддатли ҳарбий хизматини ўташ тизимини ислоҳ қилиш борасида кенг қўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2008 йил 20 ноябрда қабул қилинган «Фуқароларнинг Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларида муддатли ҳарбий хизматини ўташ шарт-шароитларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Мазкур ҳужжатга биноан йигитларни муддатли ҳарбий хизматга чақариш йилиги бир март — февраль-март, муддатли ҳарбий хизматини белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни захирасига бўшатиш эса март-апрель ойларида амалга оширилади.

Муддатли ҳарбий хизматни ўташ билан боғлиқ шарт-шароитни, қўшинларнинг жанговар, ижтимоий-сиёсий ҳамда сафарбарлик тайёргарлигини янада оширишга хизмат қилаётган мазкур Фармон асосида ҳаётга татбиқ этилаётган ушбу тартиб муддатли ҳарбий хизматдан бўшган йигитлар учун янада кенг имкониятлар очади. Жумладан, sobиқ аскарлар касб-ҳўнар эгаллаши, ҳаётда ўз ўрнини топиши, олий ўқув

юртларига ўқишга киришга тайёргарлик кўриши учун кўпроқ вақтга эга бўлади. Айни пайтда, захирасига бўшатилаётган аскарларга берилаётган нафақа миқдори энг кам иш ҳақининг 16 бараварига-га оширилгани уларга бу борада яхши мольвий қўмақ бўлаётган.

Пойтахтимиздаги Марказий офицерлар уйда ташкил этилган матбуот анжуманида шулар ҳақида гап борди. Унда Ўзбекистон Республикаси мудофаа вазирининг ўринбосари, полковник Т. Ҳамроқулов жойларда Президентимизнинг соҳага оид Фармон ва қарорлари ижроси юзасидан кенг қўламли ишлар амалга оширилаётганини алоҳида таъкидлади.

(Давоми 2-бетда).

МАМЛАКАТ бўйлаб Воқеалар, янгиликлар, хабарлар

«Ўзбектелеком» акциядорлик компанияси ва «Ростелеком» очик акциядорлик жамияти ўртасида ҳамкорлик масалалари муҳокама қилинди. Алоқачилар ҳамкорлиги

Кунин кеча «Соғлом авлод учун» халқаро ҳайрия жамағатига Корей халқаро соғлиқни сақлаш — доктор Ли Жунг-Вук хотира жамағатига томонидан «Hyundai» — Мобиль клиникаси топширилди. Тезкор тиббий ёрдам

Вобкент туманидаги Қитқоқ қишлоғида ташкил этилган иқтисодий хизматлар марказининг «Ёшларга тадбиркорлик кўникмаларини шакллантириш» клуби машгулотларида қатнашган йигит-қизларнинг аксарияти ҳозир ишбилармонлик билан шуғулланаётти. Бўлажак тадбиркорларга ёрдам


БИР РАҚАМ ШАРХИ

Аёллар ва болалар саломатлиги йўлида 2008 йилда республикамизда «Аёллар ва болалар саломатлигини мустаҳкамлаш», «Саломатлик — 2» лойиҳалари доирасида тиббиёт муассасаларига 3,5 миллион АҚШ доллари миқдорида асбоб-ускуналар етказиб берилди. Шу далилнинг ўзиёқ юртимизда соғлом авлодни вояга етказиш, миллат генофондини муҳофаза қилиш соҳасида амалга оширилаётган улкан ўзгаришларнинг ёрқин далилидир.

Истам ИБРОХИМОВ, «Халқ сўзи» муҳбири.



ЮЗМА-ЮЗ



— Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи. Етарли маблағга эга бўлмаганим боис, банк кредитидан фойдалансам дегандим. Кредит олиш тартиби ҳақида тушунтириб берсангиз.

Ф. АЗИМОВ,
Чўст тумани.

Кредит олиш тартиби

— Тадбиркорлик билан шуғулланмоқчи бўлсангиз, ўзингиз яшаб турган ҳудудда тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтишингиз лозим. Шундан сўнг ўзингизга қулай бўлган банкга мурожаат қилишингиз мумкин. У ерда ҳисоб рақами очилади. Молиявий кўмакга муҳтож бўлсангиз, банкга кредит буюртмаси, пул қўрилари кўрсатилган бизнес-режа, бухгалтерия ва молиявий ҳисоботлар, шунингдек, қайтарилишини таъминлаш билан боғлиқ ҳужжатларни тақдим этишингиз лозим.

З. КАРИМОВА,
«Микрокредитбанк» АТБ Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микрокредитлаш департаменти директори.

Транспорт воситасининг эгаси тўлайди

— Маълумки, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни суғурта полисига тўлов нархи фуқаронинг ҳайдовчилик стажига қараб ҳам белгилашни кўзда тутилган. Машина турмуш ўрғинининг номига расмийлаштирилган бўлиб, мен уни ишонचना асосида бошқараман. Аёлида ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ. Айтинг-чи, ушбу ҳолатда мен ўз стажим бўйича машинани суғурта қилдирсам бўлади?

Ҳ. НАМОЗОВ,
Сўрдарё вилояти.

— Юқоридаги маълумки, «Транспорт воситалари эгаларининг фуқаролик жавобгарлигини мажбурий суғурта қилиш тўғрисида»ги Қонуни суғурта полисига тўлов нархи фуқаронинг ҳайдовчилик стажига қараб ҳам белгилашни кўзда тутилган. Машина турмуш ўрғинининг номига расмийлаштирилган бўлиб, мен уни ишонचना асосида бошқараман. Аёлида ҳайдовчилик гувоҳномаси йўқ. Айтинг-чи, ушбу ҳолатда мен ўз стажим бўйича машинани суғурта қилдирсам бўлади?

Ҳ. НАМОЗОВ,
Сўрдарё вилояти.

Дипломим



— 2000 йили Қирғизистон Республикасидаги Майлисой халқаро иқтисодий институтини тамомлаганман. У ердан берилган дипломи нострификациялаш мақсадида 2004 йили Давлат тест марказига мурожаат қилдим. Бироқ ҳужжатларим қабул қилинмади. Марказ масъул ходимларининг айтишича, мен битирган таълим даргоҳи Ўзбекистон Республикаси Ташқи ишлар вазирлиги томонидан тақдим этилган рўйхатда йўқ экан. Шу масалага оид қириштиришга ёрдам берсангиз?

А. АҲМАДЖОНОВ,
Фаргона вилояти, Бешарқ шаҳри.

— Йўл-транспорт ҳодисаси оқибатидан ҳайдовчи ҳамда йўловчи ҳалок бўлди. Айтинг-чи, ушбу ҳодиса билан боғлиқ жиноят ишида ким айбдор сифатида қатнашади?

Р. МЕНҒИРОВ,
Қосон тумани.

Автоҳалокатга ким айбдор?

— Тегишли қонунларга кўра, бу ҳодисага ҳайдовчи сабабчи ҳисобланади. Бироқ у фалокат туфайли ҳалок бўлган. Ушбу ҳолатда ЖКнинг 207-моддаси 3-қисмига асосан, йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ҳудудда хизмат кўрсатувчи йўл бўлими бошлиғи ишда айбланувчи сифатида иштирок этади.

А. ЖУРАЛОВ,
Қашқадарё вилояти прокурорининг биринчи ўринбосари, адлия маслаҳатчиси.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

— Айрим тоифадаги фуқаролар бепул дори-дармон билан таъминланади. Айтинг-чи, бу борада кимларга имтиёз бериш назарда тутилган?

З. ИСОКОВ,
Сурхондарё вилояти.

— Пойтахтда уй-жойимиз бор. Доимий рўйхатдан ўтиш учун қаерга мурожаат қилишимиз керак?

К. ЮЛДАШЕВ,
Тошкент шаҳри.



Бепул дори-дармон берилади

— Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 2 декабрдаги 532-сонли қарори билан стационар шароитда даволаш-профилактика муассасаларида (пуллик муассасалардан ташқари) даволанаётган, овқатланиш пули тўлашдан овоз қилинган ҳамда амбулатор шароитда бепул дори-дармон билан таъминланадиган фуқаролар тоифаси ва касалликлар рўйхати белгилаб берилган.

Амбулатория шароитида даволанаётган беморларга қуйидаги касалликларга бепул дори-дармонлар берилади: онкологик, сил, мохов, эндохринологик, руҳий касалликлар, ОИВни юқтирганлар, юрак клапани протези қўйилган ва аъзолари кўчирилган беморлар, ўзгалар қаровига муҳтож ёлғиз пенсионерлар, 1941-1945 йиллар меҳнат фронти қатнашчилари, Иккинчи жаҳон

уруши ногиронлари ва қатнашчилари, Чернобыль АЭС ҳалокатини бартароф этишда қатнашганлар, байналминал-ядро объектларида ҳарбий хизматни ўтаган нафақа ёшидаги фуқаролар.

Юқорида кўрсатилган тоифадаги кишиларга тиббий кўрсатмаларига биноан амбулатория-поликлиника муассасаларида даволочи шифокорлар томонидан махсус дориномалар ёзиб берилади ва беморлар ушбу дориномалар асосида дориномаларда бепул дорилар олишлари мумкин.

А. АГЗАМОВ,
Соғлиқни сақлаш вазирлигининг Пуллик хизматни ташкил этиш маркази директори.

— 1969 йилда туғилганман. Менга 2008 йилнинг 20 ноябига Урганч шаҳар 1-туманлараро ТМЭК томонидан 2-гурӯҳ умумий касаллик ногиронлиги берилди. Менга пенсия ҳисоблаганда қайси ишлаган йилларим учун иш ҳақи тўғрисидаги маълумотномани тегишли жойга топширишим керак? Агар нафақага чиққанган кейин ишласам, пенсиямни қардан ва қанча миқдорда оламан?

Н. КАРИМОВА,
Урганч шаҳри.

Комиссия ҳал қилади

— Фуқароларнинг Тошкент шаҳрига доимий рўйхатга олиниши Тошкент шаҳар ҳокимлиги қошидаги махсус комиссия руҳсатномасига асосан амалга оширилади. Шу боис сиз Тошкент шаҳрига доимий рўйхатдан ўтиш учун талаб қилинадиган ҳужжатларни ўзингиз яшаётган туман ИИБ ХЧК ва ФРБга тақдим этишингиз мумкин.

У. МУҲАМЕДОВ,
Республика Ички ишлар вазирлиги Хорижага чиқиш-келиш ва фуқароликни расмийлаштириш бошқармаси паспорт бўлими бошлиғи.



— Маълумки, халқ таълими соҳасида меҳнат қилётган ўқитувчилар 55 ёшдан нафақага чиқишлари мумкин. Ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳасига ҳам ушбу имтиёз тегишлими?

М. ЖУМАОБОВ,
Нукус тумани.

Коллежда ҳам имтиёзли нафақа бор

— Халқ таълими тизими ўқитувчиларининг имтиёзли нафақага чиқишдаги янгиликлар ўрта махсус, касб-хунар таълими соҳаси ўқитувчиларига ҳам тегишли. Яъни, ўрта махсус таълим муассасаларида 25 йил бир ўринда ўқитувчи бўлиб ишлаган аёл киши 50 ёшда, эркеклар эса 55 ёшда имтиёзли нафақага чиқишлари мумкин. Аммо ди-

ректор, директор ўринбосари ва бошқа лавозимларда ишлаган давр педагогик стажга кирмайди.

Т. ДОШКЕНОВ,
Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши Ўрта махсус, касб-хунар таълими бошқармаси бошлиғининг ўринбосари.

Нотариус уйингизга келади

— «Нотариат тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 30-моддасига асосан, «Фуқаро касаллиги, ногиронлиги туфайли ёки бошқа сабабларга кўра давлат нотариал идорасига ёки хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариус хузурига бора олмайдиган айрим ҳолларда нотариал ҳаракатлар мазкур фуқаро турган жойда шу ҳудудда жойлашган нотариус томонидан амалга оширилиши мумкин». Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 3 ноябрдаги 533-сонли қарори билан тасдиқланган Давлат божи ставкалари асосан «Нотариал идоралар биносидан ташқарида бажариладиган нотариал ишлар учун давлат божи икки баравар миқдорда ундирилади, шунингдек, ушбу ишларни бажариш учун ҳайрат билан боғлиқ амалда сарфланган харажатлар тўланади».

Демак, сиз нотариусни нотариал ҳаракатни амалга ошириш учун уйингизга тақлиф этишингиз мумкин.

Д. ЯКУБОВА,
Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги Нотариат, ФХД ва адвокататура бошқармаси бошлиғи.

Парх ва фарқ

— Дўкондан музлаткич сотиб олдандим. Фойдалана бошлаганимизнинг иккинчи куни унинг носозлиги аён бўлди. Айрим сабабларга кўра, музлаткичнинг бир ҳафтадан сўнг дўконга қайтариб олиб бордик. Сотувчи шу вақт ичиди нарх-наво эса қарганини, энди ўртадаги фарқи тўлашимиз керакларини айтди. Унинг талаби тўғрими?

М. АБДУСАМАДОВ,
Зарбдор тумани.

— Нуксонли товар айтиш шу маркази томонига келтирилганда, нархи қимматлашган ёки тўғрисидаги қонуни 17-моддасига биноан ҳажми катта ёки 5 килограмдан зиёд нуксонли товарни таъмирлаш, алмаштириш кабилар сотувчининг (ишлаб чиқарувчининг) кучи ва маблағи ҳисобидан амалга оширилиши шарт.

Г. НУРТОВА,
Жиззах вилояти Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш жамиятлари бирлашмаси раиси.

Алоэ хосияти

— Эшитишимча, алоэ ўсимлиги соч тўқилишининг олдинки олимпиада фойдали экан. Ундан қандай фойдаланиш мумкин?

Ш. СУЯРОВ,
Нуробод тумани.

— Алоэни атиргул мойи билан араштириб, бошга суртилганда мигренининг олди олинади. Вино билан аралашмаси эса соч тўқилишидан сақлайди. Бу ҳақда буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино асарларида ҳам келтириб ўтилган. «Тиб қонунлари»даги ана шу кўрсатмаларга амал қилсангиз, мақсадга мувофиқ бўларди. Шунингдек, соч ювиш ва парвариллашда таркибидан алоэ экстракти бўлган шампунь, балъзам каби воситалардан фойдалангангиз ҳам маъқул.

А. ШАМСИЕВ,
Самарқанд давлат тиббий институтининг ректори.

Далварзинтепа — қадимий ёдгорлик



— Айтишларча, Андижондаги Далварзинтепа ёдгорлиги уч минг йиллик тарихга эга экан. Шу ҳақда батафсилроқ маълумот берсангиз.

А. МАЖИДОВ,
Андижон шаҳри.

— Далварзинтепа Жалакудқ туманидаги Ойим қишлоғидан 3-4 километр нарида жойлашган бўлиб, 20 гектар атрофидаги тепаликлардан иборат. У юртимизнинг узок ўтмишидан ҳикоя қилувчи археологик ёдгорлик ҳисобланади. Бу ерда илк бор 1955-60 йилларда археологик қазимиш ишлари олиб борилган. Топилган қадимий ўй-рўзгор буюмлари, тақинчоқлар

ҳозир Санкт-Петербургдаги дунёга машҳур Эрмитаж музейида сақланмоқда. Археологик текширишлар натижа-сида бундан уч минг йил илгариги шаҳарнинг қалъа деворларидан бир қисми очилган.

Бобур халқро қайри жаҳфармаси раҳбари Зокиржон Машрабов ташаббуси билан 2006 йили Далварзинтепа ёдгорлигининг фанга маълум бўлмаган «сирлари»ни ўрганиш учун ЎзФА Археология институтини билан ҳамкорлик йўлга қўйилган.

С. ЖАЛИЛОВ,
профессор.

Яна саволларингиз борми, мухтарам газетхон?
Хатларингизни кутамиз!

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуоти ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 156. 52918 нускада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қўғоз бичими А—2. Баҳоиси келишилган нархда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 236-09-25.

ISSN 2010-8788

Газета тахририят компьютер марказида териялди ҳамда операторлар Жамшед Тоғоев ва Муҳаммадала Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Камалов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзуева. Навбатчи — С. Раҳмонов. Мусакххчи — Х. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 21.00 Топшириди — 22.25 8